



MUZRABOT

O'zbekiston—
kelajagi
buyuk
davlat

Gazeta 1969-yil 1-iyuldan chiqq boshlagan
Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligining nashri

2025-yil 30-iyun
Dushanba № 12 (4508)

Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashining
QARORI

Muzrabot tumani mahallalarining nomsiz ko'chalariga nom berish to'g'risida

"Geografik ob'yektlarning nomlari to'g'risida" gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni va O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2012-yil 16-oktabrdagi 295-son "Geografik ob'yektlarning nomlari to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuniga muvofiq geografik ob'yektlarning nomlari sohasidagi ishlarni tartibga solish chora-tadbirlari haqida"gi qarori ijrosini ta'minlash maqsadida hamda "Mahalliy davlat hokimiyati to'g'risida"gi O'zbekiston Respublikasi Qonuni 6-moddasiga asosan xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi

QAROR QILADI:

1. Geografik ob'yektlarni nomlash va qayta nomlash masalalari bo'yicha Geografik ob'yektlarga nom berish yoki ularni qayta nomlash to'g'risidagi takliflarning qonun hujjatlari talablariga muvofiqligi haqida 2025-yil 18-martdagi 05-19-4282-sonli ekspert xulosasi ma'lumot va ijro uchun qabul qilinsin. 2. Tumandagi mahallalar ko'chalariga nom berish bo'yicha ro'yxati ilovaga muvofiq tasdiqlansin. 3. Tuman statistika bo'limi (Z.Qodirov), tuman qurilish bo'limi (B.Norkeldiyev), Davlat kadastrlar palatasi Muzrabot tumani filiali (D.Shaymardanov) tuman hokimligi bilan birgalikda mahallalar ko'chalarini davlat ro'yxatidan o'tkazish va elektron bazani shakllantirish, ish yuritish hujjatlariga tegishli o'zgartirishlar kiritish bilan bog'liq barcha tadbirlarni amalga oshirsin. 4. Tuman ichki ishlar bo'limi boshlig'i (O'.Shukurov) yangi nomlanayotgan mahallalar ko'chalarida yashovchi aholining fuqarolik pasportlariga, mazkur hudud aks ettirilgan belgilariga tegishli o'zgartirishlar kiritish ishlarni amalga oshirsin. 5. Tuman qurilish bo'limi (B.Norkeldiyev) hududlarda nomlari o'zgartirilgan geografik ob'yektlarga yangi nomlari

yoziqlan ko'rsatkich va belgilar, peshlavhalarni zamonaviy dizayn asosida bosqichma-bosqich o'rnatilishini ta'minlasin. 6. Tuman mahalla va nuroniyatlarni qo'llab-quvvatlash bo'limi (A.Axmedov)ga mahalla fuqarolar yig'inlari rahbar-xodimlari bilan bir oy muddatda Qonun talablari asosida nomlari tasdiqlangan ko'chalarni xatlab chiqilishini; nomlari tasdiqlangan ko'chalarga belgilangan tartibda ko'rsatkich belgi va peshlavhalarni o'rnatilishini ta'minlasin. 7. Mazkur qarorni tuman hokimligi axborot xizmati (J.Abdurasulov), "Muzrabot" gazetasi tahririyati (A.Yuldashev)lar tuman hokimligining rasmiy veb-saytiga joylashtirish hamda ommaviy axborot vositalarida keng yoritish vazifalari yuklatilsin. 8. Ushbu qarorning ijrosini nazorat qilish xalq deputatlari tuman Kengashining Ijtimoiy soha, yoshlar siyosati, madaniyat va sport masalalari bo'yicha doimiy komissiyasi (O.Ollomurodov), xalq deputatlari tuman Kengashining Korrupsiyaga qarshi kurashish, davlat organlarida ochiqlikni ta'minlash va huquqiy masalalar bo'yicha doimiy komissiyasi (B.Kurbanov) zimmlariga yuklatilsin. 9. Mazkur qaror qabul qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Sessiya raisi
2025-yil 5-iyun VII-10-73-8-115-K/25

S.NURMAHMATOV
Muzrabot tumani



Asr bilan yozilganlar

ХАЛОЛ ЯШАШ ВА ИШЛАШ ШАРОФАТИ

Истиклол шарофати ила мамлакатимизда соғлом турмуш тарзи қарор топди. Инчунин, муқтаиллик йилларида республикамизда аҳолининг умр кўриш даражаси янги босқичларга кўтарилди. Биргина туманимизда кейинги пайтда 80, 90, 100 ва ундан ортққ ёшни нишонлаётган пиру бадавлатларимиз сони ортқб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Музра-ботда ушбу ёшни кутиб олаётган нурунийларимиз сафи кенга-ётгани эзгуликка йўғрилган дилларга шукроналик, хушнудлик тўғуларини бағишлайди.

(Давоми 2-бетда.)



Хабарингиз бор, Республи- камиз бўйлаб Ёшлар сиёсати соҳасидаги ишлар жадал суръ- атда амалга оширилмоқда. Шу жумладан, туманимизда ҳам ёшлар учун бир қанча имтиёз- лардан фойдаланиш имконият- лари тўлиқлигича яратилган. Шу

билан бир қаторда, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилиб, юк- сак натижаларга ҳам эришиша- ётгани қувонарли, албатта.

Айни дамда 22 та танлов ва мусобақаларни ўз ичига олган "Беш ташаббус" олимпиадаси- нинг 7 та йўналиши ҳудудий босқичлари бўлиб ўтган бўлиб, туманимиз ёшлари ушбу йўна- лишларда 3 та 1-ўрин, 3 та 2- ўрин, жами 6 та ўринни эгал- лашиди. Яққалик баҳсларда 5 на- фар ёшлар, жамоавий баҳслар- да эса 1 та жамоа мусобақалар- нинг Республика баҳсқичига йўлланмани қўлга киритишди. Жорий йилнинг биринчи



Пиру бадавлатларимиз

Элимиз йўлбошчилари

Вилоят ҳокимлиги ташаббуси билан қадри баланд нурунийларимиз учун яна бир ажойиб машварат ташкил этилди. Маҳаллаларда аҳоли кайфиятини кўтариш, жойларда амалга оширилаётган ислохотларни халқ орасида кенг тарғиб этиш мақсадида маҳаллалардаги фаол нуруний- лар билан "Нурунийлар – элнинг бахти ва йўлбошчилари" шиори остида учрашув уюштирилди.

Музработлик икки юз на- фардан ортққ отахон ва она- хонлар "Муқтаиллик" маҳалла- сидаги "Туркистон" тантаналар саройида тўпландилар. Тад- бирни вилоят Ҳокими Улуғбек Қосимов онлайн тарзда очиб берди ва пиру бадавлат кек- саларнинг жамиятдаги ўрни ҳақида алоҳида тўхталиб, эзгу тилақларини билдирди. Шун- дан сўнг туман Ҳокими Абдул- ла Маматқулов табрик нутқи сўзлаб, нурунийларимизнинг бой ҳаётй тажрибаси ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этиши ҳақида батафсил тўхталиди.

—Хурматли нурунийларимиз-

ни янада фаол бўлиб, юртимиз равнақи, халқимиз фаровонли- ги йўлида, ёшлар тарбиясида элнинг фаҳри ва йўлбошчилари бўлишингизда сизларга куч- қувват, сихат-саломатлик ва бар- ча ишларингизда муваффақият- лар тилайман, -деди Ҳоким нут- қининг якунида.

Тадбир тўқин дастурхон атрофида бир пиёла чой у- стида суҳбат ва самимий дий- дорлашувлар тарзида бўлиб ўтди. Санъаткорларнинг дил- тортар куй-қўшиқлари барча- га хуш кайфият бағишлаб, тўпланганларни даврага чор- лади.

Суратда: тадбирдан лавҳа.

«Ғайратли кексалар»

НУРУНИЙЛАР БАҲСИ



Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кекса авлод вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда улар- нинг ижтимоий фаоллигини оширишга доир қўшимча чора- тadbirlar тўғрисида" 2023 йил 11 мартдаги ПҚ-92-сон ҳамда "Камбағалликдан фаро- вонлик сари" дастурини амал- га оширишга фаол нуруний- ларни жалб этиш чора-тад- бирлари тўғрисида" 2024 йил 25 ноябрдаги ПҚ-405-сон қарорларига мувофиқ, "Ғай- ратли кексалар" шиори ости- да нурунийлар ўртасида мини футбол мусобақалари ўтказил- ди.

Ушбу спорт мусобақасида туманимиз маҳаллалари ну- рунийларидан тарқиб толган жа- моалар ўзаро қизғин баҳс олиб бордилар.

Мусобақа давомида жамоа-

вий ўйин кўрсатган ва рақиб- лари дарвозаларига чиройли голлар киритган "Анорзор" МФЙ жамоаси 1-, "Боғи эрам" МФЙ жамоаси 2-, Сополите- паликлар 3-ўринларни банд этишди.

Мусобақада туман Ҳокими ўринбосари Ф.Раҳмонов, туман ИИБ бошлиғи У.Шукuroв, Ўзбекистон фахрийларининг ижтимоий фаолиятини қўллаб- қувватлаш "Нуруний" жамғар- маси туман бўлими раҳбари Э.Собиоров, туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ди- ректори С.Раҳмоновалар иш- тирок этишди ва голиб жамоа- ларга медаллар ҳамда махсус кубокни топширдилар.

Мутлоқ голиб бўлган ано- рзорлик нурунийлар мусобақа- нинг вилоят босқичига қатна- шиш ҳуқуқини қўлга киритди.

С.ЮСУПОВ.

Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни муносабати билан

Туман Ҳокимининг тахририятга ташрифи

Музработ тумани Ҳокими Абдулла Маматқулов Матбуот ва оммавий ахборот воситала- ри ходимлари кўни арафаси- да "Muzrabot" газетаси тахри- риятига ташриф буюрди.

Туман Ҳокими тахририят журналистлари билан учра- шувда ахборот технологиялари ривожланган бугунги шароит- да босма нашрларни сақлаб қолиш, ўқувчилар аудиторияси- ни кенгайтириш ҳам муҳимли- гига алоҳида тўхталиб ўтди. Чунки газета одамларга ижти- мий-сиёсий, маънавий-маъ- рифий мавзудаги мақолалар- ни бошқа воситаларга нисба- тан ҳаққоний, асосланган, рўйи- рост ва ўқимишли ёритиб бо- ради.

Учрашувда газета муҳарри- ри А.Йўлдошев ижодий жамоа ходимлари, газетага обуна



бўлиш даражаси ва тахрири- ят моддий-техника базасининг бугунги ҳолати ҳусусида ах- борот берди. Туманимиз Ҳоки- ми тахририятдаги муаммолар

муассис кўмағида ўз ечимини топишни таъкидлади.

Ташриф давомида туман раҳбарига Ҳоким ўринбосари Ф.Раҳмонов ҳамроҳлик қилди.

Тантанали нишонланди



Музработ туманида 27-июнь Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кўни катта тантана билан нишонлан- ди. Ушбу муҳим кун муносаба- ти билан туман Ҳокими Абдул- ла Маматқулов ташаббуси би- лан ОАВ вакиллари учун мах- сус тадбир ташкил этилди. Тадбирда журналистлар, бло- герлар, ижтимоий тармоқ фа- оллари иштирок этди. Бу бай- рам аънавий кутлашлардан

фарқ қилиб, кўтаринки ва илиқ руҳда ўтди.

Ҳоким ўз нутқида бугунги кунда ахборот майдони жуда катта аҳамиятга эга эканини, оммавий ахборот воситалари ходимларининг халқ ва давлат ўртасидаги муҳим кўпқир экан- лигини таъкидлади. У журна- листларнинг фидойилиги, ҳаққонийлиги ва касбий маҳо- ратини юксак баҳолаб, уларга миннатдорчилик билдирди.

Муносабат

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар

халқчил сиёсатнинг амалий ифодаси

Мамлакатимизда "инсон – жа- мият – давлат" тамойили кон- ституциявий қонунчилик ва кон- ституциявий амалиёт даражасида му- стаҳкамланган. Шу боис, охириги етти-саккиз йилда ижтимоий дав- латнинг асосий талаблари амал- да тўлиқ қўлланилмоқда. Хусусан, ижтимоий давлат сифатида сифат- ли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахс- ларнинг ҳар томонлама қўллаб-қув- ватлаш, муҳтожларни уй-жой би- лан таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағаллик- ни қисқартиришга қаратилган ис- лохотларни аҳолиимиз кундалик турмуш тарзида хис қилиб яша- моқда.

Бунинг биргина тиббиёт ва таъ- лим соҳаларидаги ислохотлар ми- тотициявий қонунчилик ва кон- ституциявий амалиёт даражасида му- стаҳкамланган. Шу боис, охириги етти-саккиз йилда ижтимоий дав- латнинг асосий талаблари амал- да тўлиқ қўлланилмоқда. Хусусан, ижтимоий давлат сифатида сифат- ли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахс- ларнинг ҳар томонлама қўллаб-қув- ватлаш, муҳтожларни уй-жой би- лан таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағаллик- ни қисқартиришга қаратилган ис- лохотларни аҳолиимиз кундалик турмуш тарзида хис қилиб яша- моқда.

Бунинг биргина тиббиёт ва таъ- лим соҳаларидаги ислохотлар ми- тотициявий қонунчилик ва кон- ституциявий амалиёт даражасида му- стаҳкамланган. Шу боис, охириги етти-саккиз йилда ижтимоий дав- латнинг асосий талаблари амал- да тўлиқ қўлланилмоқда. Хусусан, ижтимоий давлат сифатида сифат- ли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахс- ларнинг ҳар томонлама қўллаб-қув- ватлаш, муҳтожларни уй-жой би- лан таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағаллик- ни қисқартиришга қаратилган ис- лохотларни аҳолиимиз кундалик турмуш тарзида хис қилиб яша- моқда.

(Давоми 2-бетда.)

Инвестиция—барқарорлик кафолати

2025 йил 10-11 июнь кун- лари IV-Тошкент халқаро ин- вестиция форуми ҳамда хо- рижий инвесторлар кенгаши мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиё- ев нутқ сўзлади.

Халқ депутатлари Музработ тумани Кенгаши депутатлари томонидан давлатимиз раҳба- ри нутқида илгари сурилган энг муҳим ташаббус ва икти- содий кўрсаткичлар мазмун- моҳияти бўйича жойларда тар- фибот тадбирлари ўтказилмоқ- да. Тадбирларда форумнинг асосий мавзуси бўлган инвес- тициялар фақат иқтисодий та- раққиётнинг эмас, балки тинч- лик ва барқарорликнинг ҳам кафолати эканлиги алоҳида қайд этилмоқда.

Дарҳақиқат, бугунги тез ўзгараётган дунёда ҳар бир давлат учун сиёсий барқарор-

лик, ҳаққоний оқилол ва хал- қаро иқтисодий ўсишкор аҳамия- ят касб этмоқда. Мана шундай мураккаб ва масъулиятли дав- рда мамлакатимизда ўтказил- ган Тошкент халқаро инвести- ция форуми нафақат Ўзбекис- тоннинг янги таракқиёт бос- қичини, шу билан бирга унинг халқаро майдондаги нуфузи ошириб бораётганини ҳам яққол намоён этмоқда.

Таъкидлаш ўринлики, тўртинчи бор ташкил этилган Тошкент халқаро инвестиция форуми нафақат иқтисодий мулоқот майдони, балки Ўзбек- истоннинг янги ташқи ва ички иқтисодий стратегик позиция- ларини теран англатиш берув- чи саммитга айланди.

Фарҳод АЛИМОВ,
5-Пахтаорол сайлов округи- дан халқ депутатлари Муз- работ тумани Кенгаши де- путати.

Марказий осийда сув инқирози:

ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЭНГ КАТТА ТАҲДИД

Бугунги кунда бутун Ер сайёрасида сув танқислиги муаммоси кескинлашиб, инсоният ҳаётига катта хавф туғдирмоқда. Мутахассислар, олимлар сув етишмовчилигининг хавфли оқибатлари ҳақида тез-тез огоҳлантиришмоқда.

Юртимизда ҳам сув муаммоси энг долзарблашиб бораётган масалалардан. Бу борада «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини "Атроф-муҳитни асраш ва "яшил" иқтисодиёт йили"да амалга оширишга оид давлат дастурида ҳам бир қатор муҳим вазифалар кўзда тутилган. Жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш, бунда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган сувларни ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш тизимини такомиллаштириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, тупроқ қопламали каналларни бетон қопламга ўтказиш ҳамда ёпик қузури сугориш тармоқларини реконструкция қилиш орқали ирригация тизими ва сугориш тармоқларининг фойдали иш коэффициенти кўрсаткичини 0,68

гача етказиш каби бир қатор муҳим мақсад ва вазифалар ўз аксини топган.

Гидрометеорология илмий-тадқиқот институти илмий ходими Алишер ХУДОЙБЕРДИЕВ сув танқислигининг юзага келиши ва бунинг олдини олиш чоралари бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

– Сув танқислиги, чуқук сувнинг камайиб кетаётгани глобал экологик муаммолардан биридир. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотларига кўра, 2030 йилгача 700 миллиондан ортиқ киши сув танқислиги туфайли ўзлари яшаб турган ҳудудларини тарк этишга мажбур бўлиши мумкин. World Resources Institute тадқиқот маркази тахминларига кўра, 2040 йилга бориб 17 та мамлакат, жумладан, Яқин Шарқ, Шимолий Африка мамлакатлари,

Ҳиндистон, Покистон ва Ўзбекистон экстремал сув танқислиги шароитида яшашга мажбур бўлади.

Марказий Осиё сув етишмовчилигининг танқидий босқичига кириб бормоқда. Иқлим ўзгариши, аҳоли ўсиши ва давлатлар ўртасидаги сув масаласи бўйича координациянинг етишмаслиги сабабли бутун минтақани 5-10 йил ичида катта сув инқирози кутиб турибди.

Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида сув инқирози таҳиди остига тушувчи давлатлар орасида энг заифи ҳисобланади. Бу вазият Ўзбекистон учун ўта хавфлилигининг сабаби 80 фоиз сув бизга "ташқаридан" келади. Яъни, Ўзбекистон сувнинг асосий қисмини олувчи Амур дарё ва Сирдарё дарёлари Қирғизистон ва Тожикистондан бошланади. У ердаги ҳар қандай ўзгариш биз учун хавф туғдиради.

Ҳаммаимизга маълумки, дарёларда йилдан-йилга сув камайиб борапти. Иқлим тобора исиб бориши туфайли сувнинг асосий ман-

баси бўлган музликлар тез суръатда эрияпти. 2035 йилга келиб, сув оқимининг кескин камайиши кутилмоқда. Қурғоқчилик эса тобора кўпаймоқда ва узоқ давом этмоқда.

Ўзбекистонда сувнинг 90 фоиздан ортиғи қишлоқ хўжалигига ишлатилади. Аммо ҳар йили 40 фоизгача сув унинг нотўғри оқиши, сув буғланиши ва сувнинг нотўғри тақсимот қилиниши сабабли бекор исроф бўлади. Шу боис ҳам мамлакатимизда ирригация тизимлари ҳолатини яхшилаш, ариқ ва каналларни бетонлаштириш, сув тежовчи технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Яна бир омил – шахрларнинг кўпайиши ва катталаниши туфайли ҳам сувга бўлган талаб ортиб борапти. Тошкент, Самарқанд, Наманган каби йирик шаҳарлар йил сайин кўпроқ сув талаб қилмоқда. Сувни етказиб берадиган мавжуд инфратузилма эса етарли эмас.

Сув танқислиги билан курашиш бугунги куннинг энг долзарб маса-

лаларидан. Ҳўш, бу борада нималар қилишимиз керак? Аввало, қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш лозим. Томчилаб сугориш, ёмғирлашиб сугориш, сувни тежайдиган технологиялардан кенг фойдаланиш ва сувни кўп талаб қилувчи экинлардан воз кечиш керак. Шунингдек, сув дипломатиясини олиб бориш, хусусан, Қирғизистон ва Тожикистон билан сув ресурслари бўйича янги, очик ва манфаатли келишувлар тузишни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бу сув хавфсизлигининг калитидир.

Бундан ташқари, сувни тежаш бўйича янги инфратузилмани қуриш вақти келди. Яъни сувни сақлаш, йўқотишни камайтириш, ёмғир сувини тўшлаш ва уни қайта ишлаш каби тизимларни жорий этиш лозим.

Энг муҳим омиллардан бири эса аҳолида экологик маданиятни, жамоавий онгни юксалтириш керак. Сувни эҳтиёткорлик билан, тежамкорона ва исроф қилмасдан ишлаш маданиятини оиладан, мактабдан ва маҳалладан бошлаб шакллантириш керак.

ЎЗА мухбири
Мухтарама КОМИЛОВА
ёзиб олди.



Korrupsiya

Jamiyat taraqqiyoti kushandasi

Demokratik qadriyatlar qaror topib borayotgan bir vaqtda davlat xizmatchilari tomonidan poraxo'rlik, mansab mavqeini suiiste'mol qilish bilan bog'liq jinoyatlarni sodir etilishi hokimiyatning obro'sizlanishiga, davlatning siyosiy, iqtisodiy, huquqiy tizimiga putur yetishiga, natijada amaldagi hokimiyatga nisbatan norozilikka sabab bo'ladi. Korrupsiyaning ma'lum bir mamlakatlarda rivojlanishi esa o'sha davlatning tanazzuliga olib keladi.

Korrupsiya bu – mansab mavqeyidan shaxsiy maqsadlarga foydalanish bilan bog'liq bo'lgan jinoyat turi hisoblanadi. Korrupsiya faoliyati xufyona iqtisodiyotning asosiy turlaridan biridir. Aksariyat hollarda korrupsiya deganda, davlat xizmatchilari tomonidan shaxsiy manfaatlarini ko'zlab, boylik orttirish maqsadida xalqdan pora olish, qonunga xilof pul daromadlarini qo'lga kiritish tushuniladi. Ammo, umuman olganda, davlat amaldorlarigina emas, balki, davlat tashkilotida ishlaydigan fuqarolar ham korrupsiyaga doir munosabatlarning ishtirokchilari bo'lishi, pora pul emas, balki boshqa narsa evaziga ma'lum xizmatni amalga oshirishlari mumkin.

Etimologik jihatdan "korrup-siya" atamasi "buzish, pora evaziga og'dirish" degan ma'noni anglatadigan lotincha "corruptio" so'zidan kelib chiqqan. Yuridik ensiklopediya mualliflarining ta'kidlashicha, "korrupsiya – mansabdor shaxslar tomonidan ularga berilgan huquqlar va hokimiyat imkoniyatlaridan shaxsiy boylik orttirish uchun foydalanishda ifodalovchi siyosat yoki davlat boshqaruvi sohasidagi jinoyi faoliyatdir. Darhaqiqat, korrupsiya – idirlari davlat xizmatini tashkil etishdagi nuqsonlarga va davlat xizmatchilarining o'ziga xos psixologiyasiga borib taqaladigan ijtimoiy hodisa. Bu korrupsiyaga qarshi, avvalo, ma'muriy-huquqiy va tashkiliy-boshqaruv choratadbirlari ko'rilishi zarurligidan darak beradi.

Korrupsiya fuqaroning davlat vakili bilan ma'muriy munosabatlari ma'no-mohiyatini o'zgartiradi va jamiyat uchun ham, davlat uchun ham salbiy oqibatlarini keltirib chiqaradi. "Korrupsiya – davlat organlari xodimlari moddiy yoki mulkiy yo'sinda g'ayri qonuniy shaxsiy naf ko'rish maqsadida o'z xiz-mat mavqeyidan foydalanishida ifodalananigan ijtimoiy hodisadir.

S.QODIROV,
tuman favqulodda vaziyatlar
bo'limi P va NB inspektori, katta
leytenant.

Муносабат

Ижтимоий соҳадаги ислохотлар

халқчил сиёсатнинг амалий ифодаси

(Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, мактабларда 1 миллионга яқин, болчаларда 1,5 миллион янги ўқувчи ўринлари яратилди. Богча билан камров 3 қарра ошиб, 78 фоизга етди. Малака, тил билиш, янги баҳолаш тизими, фан олимпиадалари каби мезонлар асосида ўқитувчиларга 10 дан ортиқ устамалар жорий қилинди. Бундан самарали фойдаланган 60 минг ўқитувчи ҳозирда 8-12 миллион сўм масола пайдо бўлиши мумкин. Богча тарбиячилари ойлиги 65 фоизга ошди, мактаб ўқитувчилари маошига тенглашди.

Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож ва кам таъминланган оила-лар фарзандлари таълимига алоҳида эътибор қаратилиб, ҳар йили 2 минг нафар хотин-қизнинг олий таълим олишдаги харажатлари қоплаб берилмоқда. Яқин-яқингача имкония-ти текланган болаларнинг аксария-ти ижтимоий муҳитдан ажралган ҳолда таълим олар эди. Президентимиз ташаббуси сабаб уларнинг умумтаълим мактабларига қатнаши

Muzrabot tumanidagi Gulobod mahallasida joylashgan «ALi» muqobil mashina-tractor parkining dumaloq muhri va shampor yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Xujamurodov Jasur Bobomurotovchiga 2013-yil 19-iyunda berilgan «B, C» toifali AF № 0146997 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

2025-yil 30-iyun

Инсон ва қонун

ЖАЗО ТАЙИНЛАНДИ

шунингдек, судланувчи томонидан етказилган зарар қопланди

Музrabot тумани Гулобод маҳалласида яшовчи фуқаро Уктам Иброҳимов (исм-фамилиялар ўзгартирилган) мамлакатимизда қонун устуворлигини билган ҳолда жиноят содир этиш йўлига кириб олган. У гаражгүйлик ва паст ниятларни кўзлаб, давлатимизнинг бир қатор қонун ҳужжатлари меъёрий талабларига зид иш қилган.

Хусусан, ҳуқуқбузар Ў.Иброҳимов Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ер муносабатларида тенглик ва шаффофликни таъминлаш, ерга бўлган ҳуқуқларни ишончли ҳимоя қилиш ва уларни бозор активига айлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2021 йил 8 июндаги ПФ-6243-сон Фармони, Ўзбекистон Республикасининг "Ер участкаларини ажратиш ва улардан фойдаланиш, шунингдек ерларни ҳисобга олишга ва давлат ер кадастрини юритиш тизимини такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида" 2021 йил 16 августдаги 708-сон Қонуни ҳамда давлатимиз раҳбарининг "Ер участкаларидан фойдаланишда давлат назорати самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2022 йил 21 февралдаги ПҚ-138-сон қарори талабларини қўпол равишда бузган. Аниқроғи, у деҳқон хўжалиғи юритиш учун ажратилган муайян дала контуридаги

тупроқ унумдорлиғи юқори балл бонитетли 0,014га ер майдонини 2022 йилнинг март ойида ўзбошимчалик билан эғаллаб олиб, бу жойга 7 хонали уй-жой қурганилиги аниқланган.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари олиб борган тергов ва суриштирувларга кўра, қонунбузар олдиндан бу жойга эғалик қилиб, иморатни қуриб битказганидан сўнг, тўғриворин 2023 йилнинг 23 март куни бу ер майдонининг "Е-аукцион" танловида келини М.Нодированинг номига 30 йил ижара муддатига ютиб олган. Аукцион баённомаси тузилганидан кейин кадастр агентлиғи Музrabot туман бўлими томонидан ўтказилган текширишда Ў.Иброҳимовнинг жинояти фош этилган. У қонуний ҳажага тортилган.

Суд Ў.Иброҳимовга Ўзбекистон Республикасининг тегишли моддаларини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизи миқдорини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 3 йил муддатга ахлоқ тузастиш ишлари жазосини тайинлади. Судланувчи томонидан зарарни қоплаш учун Сурхондарё вилояти прокуратурасининг депозит ҳисоб-рақамига тўланган пул маблағи "O'zagroinspeksiya" ва унинг ҳудудий инспекцияларини ривожлантириш жамағармасининг ҳисоб-рақамига ўтказилиши белгиланди.

М.МИРҲАМИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Гиёҳвандлик асир этди

Бугун мамлакатимизнинг қайси гўшаси бўлмасин, халқимизнинг тинч, осуда осмон остида фаровон яшаши, меҳнат қилиши, давлат ва жамият тараққиётига ҳисса қўиши учун барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилган. Аммо шундай замондан ношуқурлик қилиб, инсонга хос бўлмаган иллатлар билан шуғулланаётганлар ҳам, афсуски, учраб туради.

Шеробод тумани Қуллүкшо маҳалласида яшовчи, ҳатто фермер хўжалиғи бошлиғи бўлган Шарофиддан Қуватов, шу тумандаги "Чўйинчи" маҳалласида истиқомат қилувчи, ёлланма ишичи Жобир Тўхтасинов, Музrabot тумани "Дарбанд" маҳалласидан ёлланма ишичи Фозил Рамазонов (исм-фамилиялар ўзгартирилган)лар ана шундай кимсалар тоифасидан. Ф.Рамазонов суднинг "қора курси"сига илгари ҳам ўтирган ва тегишли жазосини олган. Аммо у бундан тегишли ҳулоса чиқармаган. Оқибатдан умдизс кўзалари ана совуқ панжара ортидан мўлтирайди.

Қонунбузар Ш.Қуватов кунларнинг бирдаги ўртоғи Ф.Рамазоновдан 500000 сўм эвазига 1,98 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини сотиб олиб, унинг 1,00 граммини ўртоғи Ж.Тўхтасиновга берганлиги, қолган 0,98 граммини келгу-

сида ўзи истеъмол қилиши мақсадида бошқарувда бўлган энгил автомашина салон қисмида сақлаб келаётгани аниқланди. Ж.Тўхтасиновдан эса ушбу 1,00 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини туман ИИБ ТҚХ ЖКБ ҳодимлари томонидан ўтказилган тadbирда ашёвий далил тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

Жиноят иши ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан ўтказилган тергов-суриштирув жараёнида бевосита ҳуқуқбузарлигини содир этганлар ва гувоҳлар берган кўрсатмалар ҳамда ашёвий далиллар асосида ўз исботини топди. Бевосита захри қотил савдоси ва истеъмоди билан шуғулланадиган суд олдида жавоб берди.

Суд Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддалари билан Ш.Қуватовни узил-кесил 4 йил, Ж.Тўхтасиновни 3 йил, Ф.Рамазоновни узил-кесил 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлади. Ф.Рамазонов Жиноят кодексининг 34-моддаси 3-қисми "а" бандига асосан ўта хавфли рецидивист деб топилди.

И.САЙДУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси бошқармаси катта инспектори.

ошириш тўғрисида"ги Президент фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжат аҳолиимизнинг ҳаёт даражасини яхшилаш, ижтимоий тенгликни таъминлаш ва даромадлар орасидаги тафовутни камайтиришга хизмат қилиши билан янада аҳамиятлидир.

Фармон билан 2025 йил 1 июлдан бошлаб пенсиялар ва нафақалар ҳамда кам таъминланган оила-ларга боғлалар нафақалари ва моддий ёрдам тўловлари миқдорлари 10 фоизга оширилиши белгиланди. Ушбу ташаббус аҳолининг катта қисми учун нафақат озик-овқат, балки дори-дармон, коммунал тўловларга ҳам ёрдам бўлади.

Хусусан, боғлалар нафақаси миқдорининг ошиши оила бюджетига сезиларли энгиллик олиб келади. Масалан, уч нафар фарзанд бор оила ойига камида 740 000 сўм нафақа олади. Стипендия билан кун кечираётган талабалар учун китоб, транспорт, овқат ва бoshqa эҳтиёжлар учун қўшимча маблағ пайдо бўлади.

Гулнорахон
АБДУВОХИДОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси. ЎЗА

Safarqulov Erkin Panjiyevichga 2015-yil 23-oktabrda berilgan «B, C» toifali AC № 790703 raqamli haydovchilik guvohnomasi yo'qolganligi sababli **BEKOR QILINADI.**

Муаллифларимиз ҳаёти ва ижодий фаолиятидан



50 ёш муборака!

«MUZRABOT»нинг яқин ҳамкори

Муаллимлик – буюк мартаба! Бунинг не чоғлик улуг касб эканлигини ажодларимиз қолдирган битмас-туғанмас меросидан ва бугунги ислохотлар замирида ҳам кўришимиз мумкин. Шундай шарафли касбнинг залворини умри давомида зиммасида кўтариб, ёш бўғинга сув ва ҳаводек зарур бўлган таълим-тарбия беришда жонбозлик қилиб келаётган педагоглар туманимизда ҳам талайгина. Наврўз маҳалласида жойлашган 14-умумтаълим мактабининг она

тили ва адабиёт ўқитувчиси Гулнора Холназарова ана шундай фидойи устозлардан биридир. Келинг, лавҳамиз қаҳрамонини мухтасаргина таништириб ўтсак.

Гулнора Холназарова 1975 йил 20 июнь кунли Музrabot туманида савдо ходими бўлган Файзулла Холназаров ва Очилой Шаймановалар оиласида 8 нафар киз, 1 нафар ўғил фарзандларнинг иккинчиси бўлиб дунёга келди. Ўрта мактабни тамомлаб, 1998 йил Термиз Давлат университетининг ўзбек филологияси факультетида ўқишга киради.

Гулнора Холназарованинг меҳнат фаолияти битта мактаб билан боғлиқ, яъни у 1996 йилдан эътиборан ҳозирга қадар 14-умумтаълим мактабида ўқувчиларга она тили ва адабиётдан сабоқ бериб келаётган. Шу орада 2007-2009 йилларда Музrabot кичик ва ўрта бизнес коллежиде ҳам фаолият юритди.

Махоратли муаллима Гулнора Холназарова нафақат мактабда педагог, балки “Muzrabot” газетасининг ҳам яқин ҳамкори, кадрдониди. Унинг кўплаб ўқимишли мақолалари газетамиз саҳифаларида босилиб туради.

Шукрона кунда Гулнора Холназарова оила-си, яқинлари, ҳамкасблари ва ёр-дўстлари қуршотида ўзининг 50 ёшини нишонлади. Маври-ди келганда, биз ҳам жонқуяр устоз, фидойи ҳамкоримизни самимий кутлаб, келгусидаги ишларида муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Сирожиддин ҚУЛБОБОВ.

Muhabbat

Beg'ubor, samimiy o'n sakkiz yoshim, Ishqqa cho'miltirdi tasodif taqdir. Ko'nglimning qulfini ochdi chin oshiq, Meni bandi qildi, sevgiga asir.

Ko'zlarimda kuldi saodat, iqbol, Otashga aylandi gohida yurak. Haqning in'omidir asli bu ne'mat, Va yana astoydil ibodat, istak.

Madatkor bo'l

Mening yurak dardimga, Ishq izlagan qalbigam, Matonatli sabringa, Madadkor bo'l, Allohim.

Eshitar oh-u vohim, Ishongan qiblagohim, O'zing yolg'iz panohim, Madadkor bo'l Allohim.

Yetti olam sarvari, Dunyoning yegan g'amin, Koinot bitmas kami, Madadkor bo'l, Allohim.

Najot izlar odamzod, Davom etadi hayot, Yer-u samo barhayot, Madadkor bo'l, Allohim.

Yo'ldosh ABRAYEV, 36-umumta'lim maktabi o'qituvchisi.

Ona—mehr quyoshi

Ona – mehr, ona – baxt, U hayotning qulbog'i. Ko'ksida cheksiz quvvat, Mehribonlik dunyosi.

Allalaring jonga malham, Bag'ring issiq, sof panoh. Dunyoda yo'q senday mehr Yo'q senday bir go'zal, oh.

Ko'zlaringdan nur yog'ilar, So'zlaringdan donishmandlik. Sen bor joyda dilda bahor, Sen yo'q joyda g'am girdoblik.

Duoyingni asrayman men, Yuragimda muhr bo'lib. Ona, seni sevaman men Bu dunyoda nur bo'lib!

Salomat TO'RAQULOVA, 25-DMTT kichik guruh tarbiyachisi.

Vafo, sadoqati – olmos, gavharim, Odobi, axloqi – bebaho, oltin. Ushbu ash'orimning shohi, sultoni, Hayotim mazmuni, begim Husniddin.

Baxtimiz hamrohdir abad-ul abad, Bizni birlashtirdi boqiy muhabbat!

Shahribonu TURSUNOVA.

Ijod – bu inson qalbining eng yuksak tuyg'ulari va fikrlarini abadiylashtirish san'atidir.

Alisher NAVOIY

Ota-ona

Meni deb boshidan ne kunlar kechgan, Borim deb o'zini boridan kechgan, Titragan kaftida tomchi suv ichgan, Otani-onani nomi o'chmasin.

Oh, desang yoningda parvona bo'lar, Menga ber dardni, deb ko'ksiga urar, Dunyo dardlarini o'ziga olar, Otani-onani nomi o'chmasin.

Tuproqni tirnalarib nasibam bergan, Ming bitta azobni ko'zida ko'rgan, O'rim shu bolam, deb hayotda yurgan, Otani-onani nomi o'chmasin.

Ўзиники экан

(Ҳажвия)

Ҳаммаси Робиянинг ўқишга киришидан, бошланди. Қўшни қақажон киз аълочи дейиш камлик қилади, жуда-жуда аълочи, фаоллар фаоли эди. Унинг олийгоҳга кириши нақд. Шундай бўлишига қарамай Ҳамроқул ака Собир муаллимни тинч қўймади.

–Ҳамсоя, –дерди ҳар сафар уйига келганида ялиниб. –Шу қизимизга ўзингиз йўл-йўриқ кўрсатинг. Ўқийман дейди. Мен бир чўпон бўлсам. Ундай нарсаларга ақлим етмайди. Илтимос, йўқ деманг.

Муаллим қўшнига “қизининг билими зўрлигини, ҳеч кимнинг ёрдамисиз институтга кириши”ни ҳарчанд уқтирмасин, тушунтиролмади. Нойлоҳ Робияга репетиторлик қила бошлади. Биланларини ўргатди. Ҳамсоясининг табири билан айтганда, “йўл-йўриқ кўрсатди”. “Интиланга толе ёр” деганларидай Робия институтга қабул қилинди. Хурсандлигидан Ҳамроқул чўпон кўй сўйиб элга зиёфат берди. Ўтиришда ҳамманинг олдида Собирга тўн ёпди. Уни роса алқаб-мақтади.

Шу-шу Собир муаллимнинг қишлоқда хозирги атама билан айтганда рейтингни ошди. Ота-оналар кетма кетига болаларига қўшимча дарс беришини сўраб келадиган бўлишди. У ўзидан ўзи репетитор бўлди қолди. Доим мук тушиб китоб титкилайдиган муаллими тушмагурни энди сира уйдан топиш мумкин бўлмай қолди. Дастлаб ўқувчиларни уйда ўқитиб турди. Сўнгра директор билан гаплашиб мактабдан бир хона олди. Бора-бора шогирдлари сони ортиб икки сменада дарс беришга ўтди. Энди уйга тунни яримлатиб келадиган бўлди. Ҳатто дам олиш кунлариниям ўқувчилар билан ўтказарди. Тўй-томшаларда камдан-кам кўринарди. Шундай тигиз кунларнинг бирида телефони устма уст жиринглаб қолди. Уйдан хотини кўнғироқ

қилаётганди.

–Ҳай, қачон келасиз? –Анорахон шангиллаганча салом-аликни насия қилиб гапни қалаштириб ташлади. –Меҳмон келган. Армиядошингиз. Оиласи билан бирга кутиб ўтирибди. Сиздан ҳалиям дарак йўқ. Бугун шу қургур дарсни қисқартиринг. Тез қайтинг. Телефон қай тезликда жиринглаган бўлса шу алфозда ўчди. Муаллим-репетитор қайси сафдоши, узокданми, яқиндагими билолмай қоларверди. Савол беришга улгуролмади ҳам. Шундай бўлса-да, қайфиятни бузмай шоша-пиша йўлга отланди. Собир муаллим толиққанига қарамай манзилига ҳушнуд етиб келди. Қаршилаган кадрдонини маҳкам кучиб анчагача қўйиб юбормади. Келин билан ҳам обдон сўрашди.

–Оббо сен... сизей, –деди ҳажжонлини. –Кўёш боя қаёққа яширинди десам бу ерга бекинган экан-да. Кўришмаганимизга ҳам юз йиллар бўп кетди-ёв! Руслар айтганидай, “сколько лет, сколько зим?” А?..

Шу пайт кичкинагина чиройли кийинган ойдаи қизалоқ югуриб келдида Собирга ёпишди. Муаллим уни даст кўтариб олдида меҳр билан пешонасидан ўпти. Сўнгра меҳмонларга қараб сўради:

–Муна ширин бўлмаса бу қизчангиз. Оти нима экан?

Эр-хотин ялт этиб бир-бирига қарашди. Улар нигоҳида таажжубланиш зоҳир эди. Очиғи, бу саволдан ҳайратга тушишганди.

–Хе, бор бўлинг сиз, – деди орқадан ош кўтариб кирган Анарахон ноқулай аҳволда қолганини яширмай. –Бу ўзингизнинг Чаросингизку. Опаси меҳмонлар олдида уялмайлик деб ясантириб қўйганди.

Шу аснода самимий кулгу янграб меҳмонхонани янада файз-тароватга тўлдириб юборди.

М.ХОЛМИРЗАЕВ.

Alamlar ichida bag'ri ezilgan, Boshida ne tashvish baytlar yozilgan, Bolam, deb kechalar ko'ngli buzilgan, Otani-onani nomi o'chmasin.

Ezilsa ezilar aslo so'z aytmas, Umr tilar bo'lsam, dunyolar yetmas, Odam omonat jon, dunyoga qaytmas, Otani-onani nomi o'chmasin.

Tangridan tilagan, ko'z yoshin to'kkan, Termulib ko'zingga yuzingdan o'pgan, Xastalik dardida olamdan o'tgan, Otani-onani nomi o'chmasin.

Tohir YAXSHIBOYEV, Nurli hayot mahallasi.

Shoir qalbi

Shoirning yuragi o'zi bir olam, Bu olamning azim ummonlari bor. Gohida mavjlanib, goh so'nib bir dam, Gohi sokin oqqan daryolari bor.

Ba'zida gullagan, ba'zan xazonrez, Gullari, iforboxsh gulzorlari bor. Goh mahzun, gohida bir umr yolg'iz, Xo'rsinib kuylovchi bulbullari bor.

Quyoshda qoraygan, armon o'pirgan, To'g'ri, egri yo'lli jankilari bor. Orzular tiklagan, hasrat qoplagan, Marmardan yasalgan alp tog'lari bor.

Lobar ISLOMOVA, Termiz davlat universiteti o'zbek filologiyasi fakulteti 3-kurs talabasi.

talabalar unga xiyonat qilishdi. Botir cho'pon va oilasi terimchilar ketar chog'ida ular bilan quyuq xayrlashib, yigitga kelganda siz bizni yomon ko'rasiz shekilli hech mehmonga kelmadingiz, bir og'z ham gapirmadingiz, deydi. Vaholanki, yigit ular uchun eng ko'p qayg'urgan, nochor insonning bir kosa ovqatini yeyishga vijdoni qiyналgan edi. Ichki kechinmalarini ochiq ayta olmaganiqiy sababli shunday tanqid qilindi.

Zebo NARZULLAYEVA, TerDU Filologiya fakulteti 4-kurs talabasi.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti tashabbusi bilan boshlangan va ayni damda respublika bo'ylab keng amalga oshirilayotgan “Dolzarb 90 kun” loyihasi doirasida Termiz davlat universitetining o'zbek filologiyasi fakultetida adabiyot kechasi tashkil etildi.

Tadbir talabalarning bo'sh vaqtini mazmunli tashkil etish, ularni ijod, so'z san'ati va badiiy tafakkur olamiga yanada yaqinlashtirish maqsadida o'tkazildi. Prezident Shavkat Mirziyoyev o'z nutqlaridan birida yoshlar masalasiga to'xtalar ekan, shunday degan edi: “Yoshlar — bu bizning ertamiz, biz ularning ma'naviyatli, bilimli, kasbga ega bo'lgan, mustaqil fikrlovchi bo'lib voyaga yetishlariga har tomonlama ko'maklashishimiz kerak.”

Aynan shu g'oyaning amaliy ifodasi sifatida tashkil etilgan mazkur adabiy kecha, nafaqat

Adabiyot kechasi



yoshlarning bo'sh vaqtini mazmunli o'tkazish, balki ularni Vatanga muhabbat, milliy adabiyotga mehr va ijodiy tafakkur bilan qurollantirishga xizmat qildi.



«Dolzarb 90 kun» amalda

Табиат бағридаги таълим: ёзги сайр ва экология дарслари

Туманимиздаги 3-давлат мактабгача таълим ташкилоти(ДМТТ)да Президентимиз томонидан жорий йил 15 май кунли ўтказилган видеооселектор йиғилишида берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида “Dolzarb 90 kun” лойиҳаси тадбирлари доирасида “Табиат бағридаги таълим: ёзги сайр ва экология дарслари” мавзусида семинар ташкиллаштирилди.

Тадбирга ташриф буюрган тумандаги барча мактабгача таълим ташкилоти директорлари, услубчи ва тарбиячилари учун мезбон ташкилот ходимлари ҳовлидаги болалар ўйингоҳ (бесетка)ларига бўлиниб табиат қўйнидаги жонли жонзотлар ва кўرғазмалли

қуроллар билан семинар дарслари ўтиб беришди. Гуруҳлар фаолияти ўрганилди.

Шунингдек, инглиз тили бўйича ҳам намунали машғулотлар ўтказилди. Бундан ташқари ёзги соғломлаштириш тадбирлари ҳужжатларининг юритилиши ҳақида ҳам керакли тавсиялар берилди.

Семинарда туман Мактабгача ва мактаб таълими бўлими mudiri С.Ҳамраев, mudir ўринбосари Ш.Умаров, таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман Кенгаши раиси Л.Мусаев иштирок этдилар ва сўзга чиқдилар.

Яқунда 3-ДМТТ директори Н.Давронова барча иштирокчиларга ўз миннатдорчилигини билдирди.

С.ҚУЛБОБОВ.

Mazmunli o'tmoqda

Tumanimizdagi 5-umumiy o'rta ta'lim maktabida “Dolzarb 90 kun” loyihasi doirasida bir qancha ishlr reja asosida yo'lga qo'yildi. Xususan, maktabda dasturdan kelib chiqib, yoshlarda ijtimoiy faollikni oshirish, ularning bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish va madaniy va ma'rifiy saviyasini yuksaltirish, dunyoqarashini oshirish borasida turli to'garaklar tashkil etildi. “Yosh kitobxonlar”, “Komp'yuter savodxonligi” hamda “Yosh sportchilar” to'garaklari shular jumlasidan.

Ushbu to'garaklarga joriy yilning 2-iyun kundan e'tiboran o'quvchilar uchun turli mavzularda qiziqarli tarzda mashg'ulotlar o'tib kelinmoqda.

Kutubxonada, ayniqsa, “Yosh kitobxonlar” to'garagi turli usullar bilan o'quvchilarni qiziqitirib jalb etilayapti. Bunda, o'g'il-qizlar o'rtaida “She'rxonlik”, “Topishmoq va tez aytish” musobaqalari uyushtirilib, yoshlarimiz shoir va yozuvchilarning she'r va asarlarini, o'zbek hamda jahon xalqlari ertaklarini o'qib berib, mazmunini o'quvchilar bilan birga tahlil etishyapti. Undan yoshlarimiz uchun zarur bo'lgan “Sog' tanda – sog'lom aql” insonlarga bo'lgan mehr-muhabbat, odamiylik, to'g'riso'zlik, yoshlar uchun halollik eng asosiy insoniy fazilatlar

ekanligini, ularni kitob o'qishga o'rgatib ilgga chanoq bo'lib o'sishini da'vat etmoq biz, kattalarning, ayniqsa, ustozlarning zimmasidagi vazifa.

Shuningdek, “Mahalla kubogi” bo'yicha yoshlar o'rtaida sportning futbol musobaqasi bo'lib o'tdi. Bunda mahallamizning yuksaltirish, dunyoqarashini oshirish borasida turli to'garaklar tashkil etildi. “Yosh kitobxonlar”, “Komp'yuter savodxonligi” hamda “Yosh sportchilar” to'garaklari shular jumlasidan.

Ushbu to'garaklarga joriy yilning 2-iyun kundan e'tiboran o'quvchilar uchun turli mavzularda qiziqarli tarzda mashg'ulotlar o'tib kelinmoqda. Kutubxonada, ayniqsa, “Yosh kitobxonlar” to'garagi turli usullar bilan o'quvchilarni qiziqitirib jalb etilayapti. Bunda, o'g'il-qizlar o'rtaida “She'rxonlik”, “Topishmoq va tez aytish” musobaqalari uyushtirilib, yoshlarimiz shoir va yozuvchilarning she'r va asarlarini, o'zbek hamda jahon xalqlari ertaklarini o'qib berib, mazmunini o'quvchilar bilan birga tahlil etishyapti. Undan yoshlarimiz uchun zarur bo'lgan “Sog' tanda – sog'lom aql” insonlarga bo'lgan mehr-muhabbat, odamiylik, to'g'riso'zlik, yoshlar uchun halollik eng asosiy insoniy fazilatlar

Dilorom ESANOVA, 5-umumta'lim maktabining boshlang'ich sinf o'qituvchisi.

Oripov kabi ijodkorlarning asarlaridan parchalarni yoddan o'qishdi. Shu bilan birga, iqtidorli talabalar o'z ijod namunalari – she'r, monolog va nasriy parchalarni ham yig'ilganlar e'tiboriga havola qilishdi. Tadbir yuzasidan so'z olganlar, bu kabi ma'naviy tadbirlar yoshlarning ruhiy olami va dunyoqarashini shakllantirishda o'ta muhim ekanini alohida ta'kidladilar.

Xullas, “Dolzarb 90 kun” loyihasi doirasida tashkil etilgan bu kabi ma'naviy tadbirlar yoshlarni yuksak g'oya va qadriyatlariga yo'naltirish, ularning qalbiga so'z, she'r va kitob orqali ezigulik urug'ini sepishda g'oyat samarali bo'lmoqda. Mazkur adabiyot kechasi esa bunga yorqin misoldir.

Jamshid NAZAROV, Termiz davlat universiteti o'zbek filologiyasi fakulteti tyutori.

MUZRABOT

MUASSISLAR: Xalq deputatlari Muzrabot tumani Kengashi va tuman hokimligi

Muharrir Abdusalom YO'LDOSHEV

Tahririyat manzili: 191300. Muzrabot tumani, Xalqobod qo'rg'oni, Amir Temur ko'chasi, 38-uy. Telefon: (+998) 99 671 57 58.

Gazeta 2010-yil 9-aprelda Surxondaryo viloyati Matbuot va axborot hududiy boshqarmasida 11-010 raqami bilan qayta ro'yxatga olingan. ISSN 2181-7006.

Buyurtma G-2330 nusxada bosildi. Qo'lg'uz bichimi A-2. Hajmi 2 bosma taboq. Bahosi kelishilgan narxda. Nashr indeksi-473.

Gazeta tahririyat kompyuterida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi B.Shoyardonov. Navbatchi muharrir A.Yo'ldoshev. Navbatchi S.Qulboboyev.

Gazeta «Surxon tongi» va «Zarya Suxpna» gazetalari tahririyati bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: 190100, Termiz shahri, Shukrona ko'chasi, 19-A uy. Topshirish vaqti – 14-00. Topshirildi – 14-00